

1. Қарз олувчининг қискача тавсифи.
2. Лойиханинг асосий мақсади ва йўналиши.
3. Бозор ҳолатининг тахлили.
4. Ишлаб чиқариш режаси.
5. Ташкилий режа.
6. Молиявий режа.

1. ҚАРЗ ОЛУВЧИНИНГ ҚИСКАЧА ТАЪРИФИ.

Хоразм вилояти Хазорасп туманидаги «_____» Маъсулияти чекланган жамияти Хоразм вилояти Хазорасп туман Хокимининг 20__ йил _____ № ____ – сонли қарори билан рўйхатдан ўтказилган.

Жамият ўзининг тасдиқланган Устави асосида қуйидаги фаолият турларини амалга оширади:

- Умумқурилиш ишларини бажариш, қурилиш монтаж, электромонтаж, қурилиш – таъмирлаш, бадиий безатиш, ишга тушириш, созлаш, лойиха – смета ва бошқа пудрат ишлари олиб бориш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш;
- Қурилиш ишларини ўтказувчи корхоналар ўртасида тендерларда қатнашиб, кўп қаватли уйлар, коттеджлар, ва бошқа турдаги яшаш жойларини қуриш;
- Автомобилларга техник хизмати кўрсатиш шахобчаларини ташкил қилиш;
- Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва сотиш;
- Ёғочни қайта ишлаш, ёғочдан турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш;

Жамият раҳбари _____

Паспорт серияси: _____ йилда Тошкент шаҳар «Мирзо Улуғбек» тумани ИИБ томонидан берилган.

Жамият манзилгоҳи: Хазорасп тумани Питнак шаҳри _____ үй хона

Телефон: _____

Банк реквизитлари:

Хоразм вилояти Хазорасп туманидаги “_____” Маъсулияти чекланган жамияти ҳисоб рақами Урганч шаҳридаги УзСаноатҚурилиш банкида бўлимида очилган.

Ҳисоб рақами : _____

ИНН : _____

МФО : _____

2. Лойиханинг асосий мақсади ва йўналиши.

Жамият белгиланган фаолият турига асосланиб, қурилиш материалларини яъни Цементбетон материалларини ишлаб чиқариб халқимизга арзон ва сифатли материаллар етказиб бериш ҳамда 18 нафар кишини иш билан таъминлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бу ишни амалга ошириш учун ўзига тегишли бўлган бинода иш бошламоқчи.

Бу мақсадни амалга ошириш учун 25000,0 минг сўм атрофида маблағ сарфланиши кўзланмоқда. Лекин Жамият ўзининг ҳозирги кундаги имкониятидан ҳамда Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан яратилаётган шароитлардан келиб чиқиб, йилига 5,6 фоизли ставка бўйича 20000,0 минг сўм миқдоридagi кредит маблағини 2 йил муддатга олиш зарур деб ҳисобламоқда.

Жамият кредит маблағини олгандан кейин ўзида мавжуд бинони ишлаб чиқаришга мослаштириб реконструкция қилишга киришади ҳамда зарур асбоб-ускуналар ва мосламаларни сотиб олади.

Қурилиш-таъмирлаш ишлари учун сарф харажатлар Жамият ҳисобидан амалга оширилади.

3. Бозор ҳолатининг таҳлили

Жамият томонидан ташкил этилаётган фаолият турига ҳозирги кунда талаб жуда катта, чунки бу ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар асосан аҳолининг қурилиш ишларида ишлатилади.

Шу билан бирга ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар нархи бозор нархидан 10 – 15 % арзонлиги ҳамда сифатлилиги билан ҳам аҳолига енгиллик яратади.

Масалан, hozirgi kunda kўpchilik туманларда 1 Цементобетон блокнинг нархи 1300 – 1500 сўм атрофида сотилмоқда. Бу кўрсаткич сахар ва сахар атрофидаги шахобчаларда 1500 – 1700 сўмни ташкил қилади.

Бизнинг жамиятимизда 1 та цементобетон блоклари 1182,7 сўм қилиб белгиланган.

4. Ишлаб чиқариш режаси.

Жамият олинган кредит маблағи ҳисобига Бетон қоришмаларини тайёрлаш ускунаси, Трансформатор ҳамда шебен ва цемент хом ашёларини сотиб олишни режалаштирган. Жамият ушбу кўзланган мақсадни амалга оширишни кредит маблағини олгандан кейин йўлга қўяди.

Кредит маблағини лойиха бўйича сарфланиши йўналишлари:

| № | Олинган маблағни сарфланиш йўналишлари | Сони | Баҳоси, минг Сум | Сумма, минг сум |
|----------|--|-------------|-------------------------|------------------------|
| 1. | Бетон қоришмаларини тайёрлаш ускунаси | 1 | 3143,2 | 3143,2 |
| 2. | Трансформатор 10/160, ажратгич ва бошқарув шитлари | 1 | 5500,0 | 5500,0 |
| 3. | Шебен 5 – 20 мм | 640 | 8,37 | 5356,8 |
| 4. | Цемент М-400 | 40 | 150,0 | 6000,0 |
| 5. | Кредит миқдори | | | 20000,0 |
| 5. | Лойихада тадбиркорнинг янгидан қушадиган улуши | | | 5000,0 |
| | Лойиханинг умумий баҳоси: | | | 25000,0 |

ИЗОХ: *Ишлаб чиқариш учун кетадиган хом ашё маҳсулотларини сотиб олиш ва бошқа харажатларни жамият ҳисобидан амалга оширилади.*

5. Ташкилий режа.

Олинадиган кредит маблағи ва унинг устама фоизларини ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишдан тушган фойда ҳисобидан қайтаришни кўзда тутган.

6. МЕХНАТ РЕСУРСЛАРИ.

Жамиятда шу давргача 2 та ишчи-хизматчи ишлаб келмоқда. Булар бошлиқ ва бош ҳисобчи (улар корхонанинг бошқа даромадлари ҳисобига иш ҳақи олишади). Жамият ўз олдида қўйган мақсади - лойихани амалга оширса, жамиятда қушимча 18 та янги ишчи ўрни яратилади.

Иш хақи фонди.

(минг сумда)

| № | | Ишчи урни | 1 ойда | 1 йилда |
|------------------------------------|-----------------------------------|-----------|---------------|----------------|
| Бошқарув аппарати ходимлари | | | | |
| 1 | Раҳбар | 1 | 150,0 | 1200,0 |
| 2 | Хисобчи | 1 | 100,0 | 800,0 |
| | Жами иш хақи | 2 | 250,0 | 2000,0 |
| 3 | Иш хақи жамгармасидан 24% ажратма | | 60,0 | 480,0 |
| | Иш хақи учун жами харажат | | 310,0 | 2480,0 |
| Ишчи хизматчи ходимлари. | | | | |
| 4 | Уста | 1 | 85,0 | 680,0 |
| 5 | Бригадир | 1 | 75,0 | 600,0 |
| 6 | Электрик | 1 | 75,0 | 600,0 |
| 7 | Ишчилар | 12 | 840,0 | 6720,0 |
| 8 | Қоровул | 3 | 75,0 | 600,0 |
| 9 | Иш хақидан ажратма 24 % | | 276,0 | 2208,0 |
| - | Иш хақи учун жами харажат | | 1426,0 | 11408,0 |
| | Жами иш хақи учун харажати | | 1736,0 | 13888,0 |

7. Молиявий режа.

Жамият ўз фаолиятим давомида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишдан тушган суммадан барча сарф харажатлар ва мажбурий тўловларни чегирганда қолган қисми корхонанинг даромади ҳисобланади.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар таннархи унга сарфланган хом-ашё, ишчи-хизматчилар маоши, амортизация, электр энергия, газ сарфи ва бошқа қутилмаган сарф харажатлардан шаклланади.

Ишлаб чиқариш режаси.

Хоразм вилояти Хазорасп туманидаги “_____” маъсулияти чекланган жамияти ўзида мавжуд маблағни ишлаб чиқаришга мослаштириш мақсадида ушбу бинони реконструкция қилиб, қайта таъмирлашни мақсад қилиб қўйганман. Бу мақсад ўз ҳисобидан амалга оширади. Жамият ўз имкониятларидан келиб чиқиб, ишлаб чиқариш ҳажмини қуйидагича белгилайман:

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ

(миқдор ҳисобида)

| № | Лойиха мақсади | Ўлчов бирлиги | 1 кунда | 1 Ойда* |
|---|-----------------------|---------------|---------|---------|
| 1 | Цементобетон блоклари | дона | 1000 | 24000 |

* Жамият ҳар ойда 24 кун маҳсулот ишлаб чиқаради.

1 кунлик Цементобетон блокларини ишлаб чиқариш учун кетадиган хом ашё харажати

| № | Харажат номи | Ўлчов бирлиги | Сони | Суммаси | (сўмда) |
|---|---------------|---------------|---------|---------|---------------|
| | | | | | Жами суммаси |
| 1 | Цемент М-400 | кг | 2000 | 200 | 400 000 |
| 2 | Шебен 5-20 мм | кг | 15000 | 20 | 300 000 |
| 3 | Қум (ювилган) | кг | 11666,6 | 4 | 46666,4 |
| 4 | Сув (техник) | литр | 3324,4 | 0,5 | 1666,7 |
| | Жами | | | | 748,33 |

Жами 1 кунда 1000 дона цементобетон блоклари ишлаб чиқариш учун 748.333 сўмлик хом ашё харажат қилинади.

1 та цементобетон блокини ишлаб чиқариш учун $748333 : 1000 = 748,3$ сум сарф булади.

Амортизация

Кредит хисобига 3.143.200 сўмлик Бетон қоришмаларини тайёрлаш ускунаси ҳамда 5.500.000 сўмлик Трансформатор, жами 8.643.200 сўмлик ускуналар сотиб олингандан кейин амортизация қуйидагича бўлади.

$8.643.200 : 5 = 1.728.640$ сўмни ташкил қилади 1 йилига.

Амортизация

Цементобетон блокларини ишлаб чиқариш учун.

| № | Харажат номи | Ўлчов бирлиги | (сўмда) | | |
|---|--------------|---------------|---------|-----------|-----------|
| | | | 1 кунда | 1 ойда | 1 йилда |
| 1 | Амортизация | сўм | 6 002,2 | 144 053,3 | 1 728 640 |

Шунингдек, ишлаб чиқариш учқуналарини сақлаш, мойлаш, техник хизмат кўрсатиш, биноларни иситиш, ёритиш харажатлари ўзгармас харажатлар бўлиб, хисоблагич ва белгиланган нормативлар асосида хисобланади. Бу харажатлар йилига 5 000 000 сўмни ташкил қилади.

Бошқа харажатлар

Цементобетон блоклари ишлаб чиқариш учун.

| № | Харажат номи | Ўлчов бирлиги | (сўмда) | | |
|---|------------------|---------------|----------|-----------|-----------|
| | | | 1 кунда | 1 ойда | 1 йилда |
| 1 | Бошқа харажатлар | сўм | 17 361,1 | 416 666,7 | 5 000 000 |

БОШҚАРУВ ХАРАЖАТЛАРИ

Бошқарув харажатлари 2.480.000 сўмни ташкил қилади 1 йилига.

**1 та цементобетон блокини ишлаб чиқариш
таннархи:**

| № | Харажатлар | Ўлчов бирлиги | Ишлаб чиқариш бирлиги | 1 кунда (сўмда) | 1 ойда (минг сўмда) | 1 йилда (минг сўмда) |
|----------|------------------------|------------------|-----------------------------|--------------------|------------------------|-------------------------|
| 1 | Хом ашё | сўм | 748,3 | 748300 | 17959,92 | 143679,36 |
| 2 | Амортизация | сўм | 12 | 6 002,2 | 144,1 | 1728,6 |
| 3 | Бошқа харажатлар | сўм | 52,1 | 26 041,7 | 625,0 | 5000,0 |
| 4 | Иш хақи | сўм | 118,8 | 59 416,7 | 1426,0 | 11408,0 |
| 5 | Иш хақидан ажратма 24% | сўм | 28,5 | 14 260 | 342,24 | 2737,9 |
| 6 | Бошқарув харажатлари | сўм | 25,8 | 12 916,7 | 310,0 | 2480,0 |
| 7 | Жами харажат | | 985,6 | 866937,3 | 20807,46 | 167033,96 |
| 8 | Сотиш бахоси | | 1182,7 | 1182700 | 28384,8 | 227078,40 |
| 9 | Фойда | | 197,1 | 315762,7 | 75773,4 | 600444 |

Изоҳ: Жамият 1 йилда 8 ой фаолият кўрсатади.

**Жамиятнинг 20000,0 минг сўм кредит маблағидан 2 йил муддатга
фойдаланишимнинг молиявий натижаси**

| № | Кўрсаткичлар | 1 Йилда | 2 Йилда | Жами (минг сўмда) |
|----------|--|-----------------|-----------------|----------------------|
| 1 | Махсулот ишлаб чиқариш таннархи | 167033,96 | 167033,96 | 334067,92 |
| 2 | Ишлаб чиқарилган махсулотларни сотишдан тушум | 227078,40 | 227078,40 | 454156,8 |
| 3 | Ялпи даромад | 60044,5 | 60044,5 | 120089,0 |
| 4 | Ялпи даромаддан 8 % солиқ | 18166,272 | 18166,272 | 36332,544 |
| 6 | Кредитни фоиз қайтарилиши | 1120,0 | 560,0 | 1680,0 |
| 7 | Кредитни қайтарилиши | 10000,0 | 10000,0 | 20000,0 |
| 8 | Соф фойда | 22758,17 | 23318,17 | 460763,4 |

Шундай қилиб, жамият устама хақи йилига 5,6 фоиз бўлган 20000,0 минг сўм кредит маблағидан 2 йил муддатга фойдаланишим натижасида **120089,0** минг сўм даромад олади. Кредит ва барча тўловларни тўлаганимдан кейин жамият ҳисобида **46076,34** минг сўм соф фойда қолади. Бу маблағдан Жамият кейинги фаолиятини ривожлантириш учун фойдаланади.